

# COLLECTION OF ARTICLES

INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL  
CONFERENCE "EDUCATION, UPBRINGING AND  
APPLICATION OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE  
FIELD OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORT:  
PROBLEMS AND SOLUTIONS"



5-6 NOVEMBER

2022 year

TOSHKENT

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО  
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ  
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА  
ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕКА  
ФАКУЛЬТЕТ ТАЭКВОНДО И СПОРТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

**СБОРНИК  
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ  
«ОБРАЗОВАНИЕ, ВОСПИТАНИЕ И ПРИМЕНЕНИЕ  
ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБЛАСТИ ФИЗИЧЕСКОГО  
ВОСПИТАНИЯ И СПОРТА: ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ РЕШЕНИЯ»**

**ЧАСТЬ II**

**2022 год**

**5-6 ноября**

**ТАШКЕНТ – 2022**

## ОГЛАВЛЕНИЕ

Авторы	Название статьи	Стр.
<i>I.U.Madjidov</i>	KIRISH	3
<b>СЕКЦИЯ 1: ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ В СИСТЕМЕ ПОДГОТОВКИ, ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ И ПЕРЕПОДГОТОВКИ КАДРОВ В СФЕРЕ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА.</b>		
<i>Рахимов В.Ш.</i>	ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХАЁТИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ	5
<i>Abdullayev A.A., Ashirboyev I.M., Yo'ldashev X.B., G'opporaliyev A.A.</i>	JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA MILLIY HARAKATLI O'YINLAR	11
<i>Abduraximov D.D.</i>	YOSH GIMNASTIKACHILARNING EGILUVCHANLIGINI RIVOJLANTIRISH METODIKASINING XUSUSIYATLARI	14
<i>Бегимкулов З.А.</i>	МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИ СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТРЕНЕРЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ- МАДАНИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА	17
<i>Gimazutdinov R.G.</i>	UZLUKSIZ TALIMDA BADMINTON	21
<i>Do'stov J.</i>	BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARIDA KASBIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISHDA TURIZMNING IMKONIYATLARIDAN FOYDALANISH	23
<i>Jo'raboev A.B., Shoimov Sh.A., Qadamboev M.O., Ko'charov S.S., Puazova J.B.</i>	TALIM MUASSASALARIDA FUTBOL DARSИ VA UNI O'TKAZISHNING XUSUSIYATLARI	27
<i>Зуфаров Т.У.</i>	ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБУЧЕНИЯ ШКОЛЬНИКОВ ПОДВИЖНЫМ ИГРАМ	29
<i>Ибрагимов Б.Б., Ибрагимов М.Б.</i>	ЎЗБЕКИСТОНДА РЕГБИ СПОРТ ТУРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ	33
<i>Ибрагимов М.Б., Бобоев О.О.</i>	ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ МУСОБАҚА ДАВРИДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИ ТАҲЛИЛИ	35
<i>Ибрахимов С.У.</i>	АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК СПОРТ МУРАББИЙЛАРИНИ ГУРУҲ АЪЗОЛАРИ ОРАСИДАГИ ЗИДДИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛЛАРИ	40
<i>Kalandarov Sh., Xasanov O.I., Qilichev B.B.</i>	VOLYEYBOLCHILAR JISMONIY QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH METODIKASI	43
<i>Qodirov Q.T.</i>	JISMONIY TARBIYA DARSLARINI TASHKIL ETISH SHARTLARI	46
<i>Qosimov F.J.</i>	JISMONIY MADANIYAT O'QITUVCHILARINING MALAKASINI OSHIRISH JARAYONIDA PEDAGOG INNOVATSION KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISH MODELI	49

## ЎЗБЕКИСТОНДА РЕГБИ СПОРТ ТУРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ибрагимов Б.Б., п.ф.б.ф.д. (PhD), ЎзМУ  
Ибрагимов М.Б. БухДУ

**Аннотация:** Ушбу тезисда мамлакатимизда регби спорт турининг ривожланиши ҳамда федерация томонидан бажарилаётган ишлар бўйича қисқача маълумот баён қилинган.

**Аннотация:** В данном тезисе освещено развитие регби в нашей стране, а также проводимая работа федерации по развитию данному виду спорта.

**Калит сўзлар:** регби, спорт, спортчи, терма жамоа, мусобақа, федерация.

**Ключевые слова:** регби, спорт, спортсмен, сборная команда, соревнование, федерация.

Бугунги кунда мамлакатимизни жаҳонда танитадиган, унинг нуфузини оширадиган муҳим омиллардан бири бу жисмоний тарбия ва спорт соҳасидир десак адашмаган ҳисобланамиз. Чунки жисмоний тарбия ва спорт бу ўсиб келаётган ёш баркамол авлодни ривожланишида муҳим омил саналади. Халқимизнинг бебаҳо маданий мероси, кадриятлари, урф одатлари, анъаналарининг ўзига хослиги дунё миқёсида юксак эътироф этилаётгани, спортдаги улкан ютуқларини ва натижаларни қўлга киритилаётгани юртимизда бу борада кенг кўламли саъй-ҳаракатлар тизимли равишда амалга оширилаётганидан далолат беради десак ҳам адашмаган ҳисобланамиз.

Регби спорт тури жамоавий ўйин бўлиб, дунёда регби-7 ва регби-15 турлари ривожланган. Регби-7 спорт тури 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия)да ўтказилган ёзги Олимпия ўйинларидан бошлаб дастурларига киритилган.

Ўзбекистонда регби спорт тури 1969 йилдан ривожлана бошлаб, 1993 йилда регби бўйича асосий терма жамоа спортчилари Россия Федерациясига доимий яшаш учун кўчиб кетганлиги сабабли мазкур спорт турининг ривожланиши вақтинчалик секинлашди. Бир гуруҳ ташаббускорлар томонидан 2003 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида регби федерацияси ташкил этилиб, давлат рўйхатидан ўтказилди. 2006 йилдан бошлаб федерация Осиё регби уюшмаси (ARFU) аъзолигига, 2014 йилдан эса Халқаро регби федерацияси (WORLD RUGBY) аъзолигига қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида регби спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4500-сонли Қарори қабул қилиниб, мамлакатимизда регби спорт турини янада ривожлантиришда ҳозирги кунда катта туртки бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон регби федерацияси томонидан барча ҳудудларда вилоят федерациялари ташкил этилди. Ҳозирги кунда Республикада 30 нафардан ортиқ тренерлар фаолият юритилиб, 1500 нафардан ортиқ шуғулланувчилар доимий ушбу спорт тури билан шуғулланади.

2022 йилда Ўзбекистон регби федерацияси томонидан белгиланган эркаслар ва аёллар миллий терма жамоа кўрсатишлари билан маҳаллий ва хорижий ўқув-машулот йигинлари,

Осиё давлатлари ўртасида ўтказиладиган "Трофи Тур" халқаро мусобақаси ва "Трофи Тур" халқаро мусобақаси ўтказиладиган Ёзги Осиё ўйинлари, 2024 йилда Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ўтказиладиган Ёзги Осиё ўйинлари, 2024 йилда Париж (Франция) ҳамда 2023 йилда Лос-Анджелес (АҚШ)да ўтказилиши режалаштирилган Ёзги Олимпиада ўйинлари ва Ёзги Олимпиада ўйинлари белгиланган тайёргарликларни олиб борилмоқда.

Бундан ташқари 2022-2023 ўқув йилларида Ургенч, Самарқанд ва Гувҳарда Олимпиада ва Паралимпиада спорт турларига тайёрлаш марказларида регби бўлими ташкил этилди. Бундан ташқари Ўзбекистон давлат жисмони тарбия университети ва Ўзбекистон Миллий университетининг "Таъжвондо ва спорт факультети" факультетида "Спорт фаолияти - Регби" бўйича ўқув йўналишлари ташкил этилди.

Мамлакатимизда регби-15 спорт тури ҳам ривожлантирилмоқда. Регби бўлими ушбу йўналиши Ўзбекистон Республикасининг Куроли кучлари, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат божхона кўмитаси, Фавқулодда вазият вазирлиги, Давлат хавфсизлиги хизмати ходимлари ўртасида ривожлантирилди. Доимий равишда Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари, турнир ва "Мустақил Кубоги" мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, "Талаба-ассоциацияси" билан ҳамкорликда федерация томонидан Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида регби-7 бўйича "Талабалар лигаси" мусобақаси ташкил этилиб ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон регби федерацияси томонидан мамлакатимизда хотин-қизлар аёллар ўртасида регби спорт турини оммалаштириш, ушбу спорт тури билан шуғулланишга жалб этиш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни сарфлаш мақсадида федерацияга бириктирилган Ўзбекистон Республикаси товар-хотинлик биржаси билан ҳамкорликда "8 март - Халқаро хотин-қизлар куни" байрами муносабати билан 18 ёшгача қизлар ўртасида аъёнавий хар йилли Республика турнири ўтказиб келинмоқда. Ушбу турнир вилоятларда қизларни регби спорт тури билан кўпроқ жалб этиш вазифасини ўтамоқда. Шу билан бирга, федерация ҳамда спортчилари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби билан ҳамкорликда U-16, U-18, U-20 ва катталар (эркаслар, аёллар) ўртасида регби-7 бўйича Республика чемпионат, Кубок ва турнирлари доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Шунингдек хар йили 4 апрель "Регби" кунига бағишлаб ёшлар ва аҳоли ўртасида регби спорт турини оммалаштириш мақсадида "Золотой онал" номли фестивал ташкил этилиб келинмоқда. Регби спорт тури бўйича моддий-техник базани мустаҳкамлаш мақсадида тоифалаги жами 3 000дан ортиқ ўқув ва методик адабиётлар чоп этилиб, бераётган.

Мазкур чора-тадбирларнинг самарасидан бири 2022 йилнинг 14-20 июль кунлари регби-7 бўйича Франциянинг Алжен шаҳрида харбийлар ўртасида

ўтказилган биринчи Жаҳон чемпионатида миллий терма жамоа аъзолари томонидан 5 ўрин қўлга киритилгани кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 июлдаги “Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Универсиада” спорт мусобақаларининг республика финал босқичларини ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги” 167-сонли баёнига асосан регб-7 спорт тури “Универсиада” спорт мусобақалари дастурига киритилди.

Юкорида кўрсатилган муваффақиятлар замирида энг аввало мамлакатимизда спортни ривожлантириш, унинг моддий техник базасини мустахкамлаш, ёшлар орасида оммавийлигини ошириш борасида давлатимиз раҳбари ва Хукуматимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ҳамда ишонч ётибди. Ишончимиз комилки бутун қилинаётган сайъи-ҳаракатлар, шахсан Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик албатта келажакда ўзининг натижасини беради.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning 2017 yil 3 iyundagi “Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora tadbirlari to‘g‘risida” gi PQ-3031-sonli qarori. Toshkent-2017yil 3iyun.
2. M.Sh.Turkmenova “Talabalarni jismoniy rivojlanishida sog‘lom turmush tarzini shakillantirish” o‘quv qo‘llanma, Toshkent 2021 yil, 132 bet.
3. G.A Makarova «Sport shifokorlari uchun amaliy qo‘llanma». Rostov-Donu, 2002 yil
4. M.Sh.Turkmenova Imkoniyati cheklangan talabalarni jismoniy mashqlarni bajarishga jalb etish, uslubiy qo‘llanma, Toshkent 2021yil.